

## ЎТМИШГА НАЗАР З-МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE-3



ТОШКЕНТ-2021

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳрири маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Садгуллаев Анатолий Садгуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Аззамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдишвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозогистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ким - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент.  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Раҳбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Махкамова Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозогистон Республикаси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Давлат тарихи институти, Қозогистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
Ал-Фаробий номидаги Қозогистон  
Миллий университети, Қозогистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давлаталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмайлова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Сайпулла Турсунов</b> СУРХОН ВОҲАСИДА СОВЕТ РЕЖИМИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ.....	10
<b>2. Раҳбар Холиқова</b> РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ СИЁСИЙ АГЕНТЛИГИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН.....	20
<b>3. Лалихон Мухамеджанова</b> XIX АСРНИНГ ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ЖАДИДЧИЛИКНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ УЙГОНИШ ҲАРАКАТИ СИФАТИДАГИ МОХИЯТИ..	32
<b>4. Барно Убайдуллаева</b> ЎЗБЕКЛАРНИНГ РЕПРОДУКТИВ ОРИЕНТАЦИЯСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ (XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ XXI АСР БОШЛАРИ).....	47
<b>5. Дилдора Алиназарова</b> УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИ ДАВРИЙ НАШРИЁТ ТИЗИМИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР.....	59
<b>6. Қахрамон Алмансов, Илҳом Жураев</b> ХХ - XXI АСР БОШЛАРИДА МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ХЎЖАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МОДДИЙ МАДАНИЯТИ.....	68
<b>7. Қахрамон Алмансов</b> ЖИЗЗАХНИНГ ХОНЛИКЛАР ДАВРИДАГИ АҲАМИЯТИ ВА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ.....	76
<b>8. Жамшид Адилов</b> АЛЕКСАНДР БЕКОВИЧ-ЧЕРКАССКИЙНИНГ ХИВА ХОНЛИГИГА ЮРИШИ РОССИЯЛИК ШАРҚШУНОСЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИДА.....	82
<b>9. Дилзода Алимкулова</b> ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТИГА НАЗАР.....	89
<b>10. Fazilat Akramova</b> FARG'ONA VODIYSIDA YENGIL SANOATNING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHI TARIXI.....	95
<b>11. Мурот Алланазаров</b> БУТУНБУХОРО МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР АРБОБЛАР ФАОЛИЯТИ.....	100
<b>12. Гулмира Азаматова</b> ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИ ҲАРАКАТЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ВА МИГРАНТЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ.....	106
<b>13. Sayyora Atadjanova, Sevar Gaibnazarova</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИ.....	112
<b>14. Aloxonov A.A.</b> ANDRONOVO MADANIYATINING O'RTA OSIYO CHORVADOR JAMOALARINING MODDIY MADANIYATDA AKS ETISHI.....	119
<b>15. Раҳматжон Арслонзода</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АРХИВ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	124

<b>16. Шерзод Абдужаббаров</b>	
ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК.....	133
<b>17. Ravshan Abduzohirov, Matluba Jo`rabekova</b>	
О`ZBEKLARDA BOLA TUG`ILISHI BILAN BOG`LIQ IRIM-SIRIM MAROSIMLAR VA ULARNING TARIXIY TARAQQIYOTIDAGI O`ZIGA XOSLIKlar.....	147
<b>18. Жалолиддин Аннаев</b>	
ТАРМИТА-ТЕРМИЗ БУДДАВИЙЛИК МАДАНИЯТИ.....	155
<b>19. Аннаева Зарифа</b>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УНИНГ ЕЧИМИ БОРАСИДАГИ ҲАРАКАТЛАР.....	163
<b>20. Сардор Ахмедов</b>	
СУРХОНДАРЁ ТОЖИКЛАРИНИНГ АНЬАНАВИЙ КИЙИМЛАРИ.....	168
<b>21. Манзурахон Балтабаева</b>	
ЭРТА ТУРМУШ ВА ЭРТА ТУҒРУҚНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ ( Африка, Жанубий Осиё давлатлари ва Ўзбекистон мисолида).....	174
<b>22. Turon Babaraximov, Kamolaxon Abduraxmonova</b>	
SIYOSIY MANSUBLIK TUSHUNCHASINING PAYDO BO`LISHI VA MAZMUNI.....	181
<b>23. Назокат Бозорова</b>	
ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИГА ОИД МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ.....	186
<b>24. Элбек Ботиров</b>	
МАРКАЗИЙ ОСИЁ БОЖХОНА ИШИ ЭВОЛЮЦИЯСИ: САВДО ЙЎЛЛАРИ, НАЗОРАТ МАСКАНЛАРИ ВА БОЖ ЙИФИМЛАРИ ТАРИХИДАН.....	192
<b>25. Габриэльян С.И.</b>	
БРИТАНИЯНИНГ ТАМАКИ МОНОПОЛИЯСИ ВА XIX АСРНИНГ ОХИРИДА ЭРОНДА МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШИ БОШЛАНИШИ.....	199
<b>26. Санжарбек Давлетов, Зухра Ражабова</b>	
ХОРАЗМ ВОҲАСИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ – ТУРИСТИК САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	211
<b>27. Нилуфар Джураева</b>	
МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИДЛАРНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ.....	220
<b>28. Отабек Дуланов</b>	
СУРХОН ВОҲАСИ ЖУЗЛАРИНИНГ АНЬАНАВИЙ ТАОМЛАРИ.....	226
<b>29. Расулжон Дусчанов</b>	
ЎЗБЕКИСТОН ССР Да СОЛИҚЛАРНИНГ БАЪЗИ ТУРЛЛАРИ.....	232
<b>30. Хуршид Жуманазаров</b>	
ТАБИБЛАРНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИДАГИ ЎРНИ.....	239
<b>31. Камола Жураева</b>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШКИ СИЁСАТ АЛОҚАЛАРИ: ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК.....	246

<b>32. Зоиржон Ёдгоров</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ЯНГИ МЕЪЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА УНДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР.....	254
<b>33. Zebiniso Zaynabidinova</b> АКАДЕМИК САЙЕРА SHARAFOVNA RASHIDOVANING ILMIY FAOLIYAT DAVRIDAGI ILK ISHLARI (1967-1985).....	267
<b>34. Мухаммаджон Исамиддинов</b> ҚАДИМГИ МАРҒИЁНА ВА БАҚТРИЯ ҲУДУДИДАГИ ЯЗ-II АРХЕОЛОГИК КОМПЛЕКСЛАРИНИ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	271
<b>35. Абдуғаппор Инсопов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	277
<b>36. Elyorjon Karimov</b> O'ZBEKİSTONDA IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARI DAVRIDA EVAKUATSIYA QILINGAN SANOAT KORXONALARI ISHINING TASHKIL ETILISHI.....	286
<b>37. Сайёра Мирсоатова</b> ҚОПЧИҒОЙ УСТАХОНАСИ МУСТЬЕ ДАВРИ КОМПЛЕКСИНИНГ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ХОСЛИГИ ҲАҚИДА.....	292
<b>38. Гайрат Мамаражабов</b> ЎЗБЕК ҲУНАРМАНДЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ КИЙИМЛАРНИ ЯРАТИШДАГИ ФАОЛИЯТИ.....	298
<b>39. Салимахон Мадъярова</b> ТУРКИСТОН ОЛИМЛАРИ ТУРМУШИНИ ЯХШИЛАШ КОМИССИЯСИ.....	304
<b>40. Олтиной Масалиева</b> ЯПОНИЯ ДАВЛАТИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХИГА ҚИЗИҚИШ.....	312
<b>41. Раҳмон Муҳаммадиев</b> ЛИДЕР ШАХС ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ.....	316
<b>42. Олтиной Масалиева</b> САЙИД МУҲАММАД НОСИР ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА САҚЛАНАётГАН Қўлёзмалари.....	322
<b>43. Дилмурод Маллаев</b> СУРХОН ВОҲАСИ УЙ-ЖОЙЛАРИ: ТАРИХИЙ АНъАНАЛАР.....	326
<b>44. Орифхужа Муминов</b> ҚАДИМ ВА ИЛҚ ЎРТА АСРЛАРДА КЕШ ВОҲАСИНИНГ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ.....	332
<b>45. Дилдора Мўсинова</b> МУСОХОНХОЖА ДАҲБЕДИЙНИНГ "БАДР УЛ-АСРОР ВА САНАД УЛ-АБРОР" АСАРИ ҲАҚИДА.....	339
<b>46. Темур Мўминов</b> ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ВА УНИНГ ДАВРИ.....	343

<b>47. Акмал Мухаммадиев</b>	
ПАЛЕОЛИТШУНОСЛИКДА ХОМ-АШЁДАН ФОЙДАЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ЎРГАНИЛИШИ (МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ).....	353
<b>48. Абдикамил Нарбеков</b>	
ДИНИЙ ФУНДАМЕНТАЛИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ МУАММОЛАРИ.....	359
<b>49. Бахтиёр Назиров</b>	
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ.....	366
<b>50. Аслиддин Ортиков</b>	
ЎЗБЕК КИНЕМАТОГРАФИЯСИННИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНИ: САНЪАТ ЁКИ САНОАТ ТУРИ СИФАТИДА.....	372
<b>51. Аҳмаджон Оринов</b>	
СЦЕНОГРАФИЯДА ЁРУҒЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ.....	377
<b>52. Хабибjon Олимжонов</b>	
ТУРКИСТОН ЎЛКА ВИЛОЯТЛАРИДА КУТУБХОНАЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ.....	382
<b>53. Икромиддин Остонақулов, Тўлғаной Маматқулова</b>	
ХIX АСР ФАРГОНА ВОДИЙСИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА РОЖИЙ МАРГИНОНИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ.....	392
<b>54. Зумрад Раҳмонқулова</b>	
БУХОРО АМИРЛИГИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАН (XVIII-XIX АСР БОШЛАРИДА).....	397
<b>55. Ҳасанбой Раҳматиллаев</b>	
ТУРКИСТОНДА XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДАГИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР.....	407
<b>56. Одинахон Раҳманова</b>	
ОЛИМХОН САЛТАНАТИ ТАРИХИДАН: ШАЙХ ВА СЎФИЙЛАРГА ИШОНЧСИЗЛИК.....	413
<b>57. Ҳасанбой Раҳматиллаев</b>	
МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР.....	418
<b>58. Хайрулла Раҳматов</b>	
БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ХУСУСИДА (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари).....	424
<b>59. Muhiddin Rajabov</b>	
О'RTA OSIYODA MILLIY-HUDUDIY CHEGARALANISHNING O'TKAZILISHI: MAQSAD, MOHIYAT VA OQIBAT (XORIJ TADQOQOTCHI OLIMLARI NIGOHIDA)....	430
<b>60. Maftuna Rajabova</b>	
TOLERANTLIK FENOMENINING TARIXIY – NAZARIY TAHLILI.....	437
<b>61. Саломова Л.И.</b>	
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИДА САҚЛАНАЁТГАН ТУРКИСТОН АССР ТАРИХИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	446

<b>62. Ойдина Сатимова</b>	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ТУРКИСТОНЛИК АСИРЛАР ТАҚДИРИДАН.....	452
<b>63. Равшан Сиддиқов</b>	
ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЗАМОНАВИЙ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	459
<b>64. Хуршида Тиллаходжаева</b>	
ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЛIMЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ЧОРА-ТАДБИRLАР (УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ, УЛАРНИ ЯРАТИЛИШИДАГИ МУАММОЛАР) ХУСУСИДА.....	466
<b>65. Рўзиқул Толибов, Санобар Толибова</b>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАРИ.....	475
<b>66. Равшан Турсунов</b>	
XIX АСРНИНГ 2 ЯРМИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА СОДИР БЎЛГАН ҚУМ ВА ЧАНГ БЎРОНЛАРИ ТАРИХИГА НАЗАР.....	482
<b>67. Икромжон Умаров</b>	
КЎҲИТАНГТОФ ҚИШЛОҚЛАРИДА ЁМФИР ЧАҚИРИШ МАРОСИМЛАРИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ.....	493
<b>68. Анвар Уроқов</b>	
ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИР САНЬАТИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	503
<b>69. Мавлюда Файзуллаева</b>	
АНЬАНАВИЙ ТАОМЛАНИШ ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР.....	508
<b>70. Мавлон Эргашев</b>	
ЧАГОНИЁННИНГ ЎРТА АСРЛАР ШАҲАРЛАРИ.....	515
<b>71. Хайрулла Қобилов</b>	
СУРХОНДАРЁ ОКРУГИДА ЖАМОАЛАШТИРИШ ДАВРИДАГИ ОММАВИЙ ҚАТАГОНЛИКЛАР.....	522
<b>72. Ra'no Mamirjonovna</b>	
XALQ TA'LIMI TIZIMIDAGI BOLSHEVISTIK SIYOSAT: MILLIY MAORIF TIZIMI VA TA'LIMDA SOVET MODELINI TATBIQ QILINISHI.....	528
<b>73. Ислом Каршиев</b>	
ЖАНУБИЙ УЗБЕКИСТОН ҚҮНФИРОТЛАРИ.....	533
<b>74. Давлат Қудратов</b>	
ҚАДИМГИ ДАВР ШАҲАРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ГЕНЕЗИСИ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	539
<b>75. Қахрамон Шоназаров</b>	
УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ҚУРИШДА ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	551
<b>76. Ғайрат Ҳамраев</b>	
БУХОРО АМИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН МИЛЛИЙ-ЭТНИК ГУРУХЛАР ХУСУСИДА (ТОЖИКЛАР МИСОЛИДА).....	556

<b>77. Суннатилла Ҳамраев, Мадина Адилова</b> СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ВА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИ (XX АСРНИНГ 60–80 ЙИЛЛАРИ).....	563
<b>78. Феруза Ҳасанова</b> ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ.....	570
<b>79. Akmaljon Xoldarov</b> NEMISLARNING O’RTA OSIYOGA KIRIB KELISHI (FARG’ONA VODIysi MISOLIDA).....	575
<b>80. Нодирбек Момунович Ҳамаев</b> АНВАР ПОШШОНИНГ ШАРҚИЙ БУХОРОДА СОВЕТ ҲУКУМАТИГА ҚАРШИ КУРАШИ (матбуот материаллари асосида).....	581
<b>81. Иброҳим Хидиров</b> ҚАДИМГИ СУФДНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИГРАЦИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ.....	586
<b>82. Урол Ҳудойқулов</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА САНОАТНИНГ БИР ТОМОНЛАМА ТАРАҚҚИЁТИ: МАСАЛАЛАРИ МУАММО ВА ЗИДДИЯТЛАР (XX аср 70- 80 йиллар асосида).....	593
<b>83. Тўлқин Ҳудойқулов</b> ХИВА ИНОҚЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ. МАНСАБ ВА УНВОНЛАР.....	599
<b>84. Ҳулкар Ҳолиқулова</b> ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ЖАМИЯТГА МОСЛАШТИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	610
<b>85. Тўлқин Ҳудойқулов</b> ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ ҲАҚИДА АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР.....	618
<b>86. Мунира Хўжанова</b> 1920-1940 ЙИЛЛАР ҚОЗОҒИСТОНДА БОЛАЛАР ҶАРОВСИЗЛИГИ ВА БОЛАЛАР УЙЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	628
<b>87. Sherzod Xazratkulov</b> FUQAROLIK JAMIYATI KONSEPSIYASI RIVOJIDA IJTIMOIY SIYOSAT VA IJTIMOIY ADOLAT FENOMENLARI.....	633
<b>88. Sherzod Xazratkulov</b> IJTIMOIY SIYOSATNI AMALGA OSHIRISH INDIKATORLARI VA MEZONLARI.....	639
<b>89. Носир Ҳусанов</b> ЖАМИЯТДА ПЛАКАТНИНГ ЎРНИ.....	645
<b>90. Азизбек Ҳоллиев</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ОРТИДАГИ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИ.....	653

<b>91. Шайдуллаева Г.Ш.</b> ХИНД ВОДИЙСИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС СОПОЛ ИДИШЛАРИ.....	661
<b>92. Гузаль Шарипова</b> ЎЗБЕКИСТОН-МАЛАЙЗИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	667
<b>93. Саиданварбек Юлдашев</b> МУСТАҚИЛЛИҚ ЙИЛЛАРИДА ФАРГОНА ВОДИЙСИ ИЛК ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	676
<b>94. Дилдора Юсупова</b> ҒАРБИЙ ЕВРОПА ОЛИМЛАРИНИНГ XX АСР БОШЛАРИДА АРХИВШУНОСЛИК СОҲАСИДА ОЛИБ БОРГАН ТАДҚИҚОТЛАРИ.....	684
<b>95. Мадаминов Баходир</b> ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИНИНГ АЙРИМ НОЁБ ЭКСПОНАТЛАРИ ТАСНИФИ.....	690
<b>96. Абдурасул Розаков</b> XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА АҚШДА НЕОЛИБЕРАЛИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	696
<b>97. Xumora Pozilova</b> QADIMGI FARG'ONA HUNARMANDCHILIGIDA TIRNAB SOLINGAN BEZAKLI SOPOL IDISHLAR.....	703
<b>98. Гайратхон Мухтаров</b> ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИДАГИ ЯНГИ ТОПИЛГАН ҚОЯТОШ РАСМЛАР ЖОЙЛАШГАН ЎРНИ ВА ЛАНДШАФТИ.....	709
<b>99. Икрамжон Исмаилов</b> ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИ (ФАРГОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....	714
<b>100. Музаффар Хўжамов</b> 40 ЙИЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ 50 ЙИЛЛАР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН НАРХ-НАВО СИЁСАТИ.....	722

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Музаффар Хўжамов  
Наманган давлат университети ўқитувчиси

## 40 ЙИЛЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ 50 ЙИЛЛАР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН НАРХ-НАВО СИЁСАТИ

**For citation:** Muzaffar Khojamov. THE SECOND HALF OF 40 YEARS PRICE POLICY ON FOOD IN UZBEKISTAN IN THE BEGINNING OF 50 YEARS. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.722-727



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-SI-3-100>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада 40 йиллар охири 50 йиллар бошларида республикада озиқ-овқат таъминоти ва унинг нарх-навоси масаласида совет ҳокимиятининг амалга оширган чоратадбирларининг қисқача таҳлили, ҳамда, озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ жараёнлар, шунингдек, кундалик эҳтиёжнинг энг асосий тури ҳисобланган озиқ-овқат таъминоти ва нарх-навони ислоҳ қилиш сиёсатининг амалга оширилиши таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Иккичи жаҳон уруши йиллари ва 50 йиллар бошларида озиқ-овқат нарх-наволар, озиқ-овқат турлари, ғалла, нон ва нон маҳсулотлари гўшт ва сут, пул ислоҳати, озиқ-овқат танқислиги масаласи.

Музаффар Ходжамов

Преподаватель

Наманганского государственного университета.

## ВТОРАЯ ПОЛОВИНА 40 ЛЕТ ЦЕНОВАЯ ПОЛИТИКА НА ПРОДОВОЛЬСТВИЕ В УЗБЕКИСТАНЕ В НАЧАЛЕ 50 ЛЕТ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье дается краткий анализ мер, предпринятых советской властью в стране в конце 40-х - начале 50-х годов в области продовольственного снабжения и цен на него, а также процессов, связанных с продовольственным обеспечением, а также современной продовольственной. Анализируется реализация политики реформы предложения и цен.

**Ключевые слова:** цены на продовольствие в годы ВОВ и начала 50-х гг., виды продовольствия, зерно, хлеб и хлебобулочные изделия, мясо и молоко, денежная реформа, продовольственный дефицит.

Muzaffar Khojamov  
Lecturer at Namangan State University

## THE SECOND HALF OF 40 YEARS PRICE POLICY ON FOOD IN UZBEKISTAN IN THE BEGINNING OF 50 YEARS

### ANNOTATION

This article provides a brief analysis of the measures taken by the Soviet government in the country in the late 40s - early 50s in the field of food supply and prices for it, as well as processes related to food security, as well as modern food. The implementation of the reform policy is analyzed offers and prices.

**Key words:** food prices during the Second World War and the beginning of the 50s, types of food, grain, bread and bakery products, meat and milk, monetary reform, food shortages.

...Халқимиз фронт ортида фидокорона мөхнат қилиб уруш май-донларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, курол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди. Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглиқ фазилатлари яққол намоён бўлди [1]. Урушдан сўнг ватанимизда ҳам фаол ҳаракат бутун Иттифоқ республикалари қатори Иккинчи жаҳон уруши йилларида изидан чиққан тумуш тарзи ва иқтисодиётни асосий таянчи бўлган халқ хўжалигини тиклашдан бошланди. Бу жараён ўз навбатида бир қатор ислоҳотлар асосида амалга оширилишини талаб қиласди ва бундай туб ислоҳотлардан бири 1946 йил 25 февраль бутун иттифоқ ҳудудида озиқ-овқат маҳсулотларининг таннархини камайтириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ССР Савдо вазирлигининг билдиришномаси орқали эълон қилинди. Аҳолининг асосий исъемол моллари таянчи бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг таннархини камайтириш тўғридаги қарор ижроси Иттифоқ республикаларининг барчасида жорий қилина бошланди. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари таннархини камайтириш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жорий қилинган сиёsat натижасида Ўзбекистон ССРда ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини таннархини камайтириш қўйидагича кўринишга келди: Жумладан, Нон ва нон маҳсулотлари: қора ноннинг нархи 60 %, буғдой унидан пиширилган нон 50 %, бухонкалар 36-64 %, макаронлар 60-65 %, крупа 55-58 %, кондитор моллари 18-35 %, гўшт ва гўштли маҳсулотлар, гўшт ва сут маҳсулотлари 10-25 %, пишлоклар 28 %, балиқ ва балиқ маҳсулотлари 18-37 %, биринчи навли икра 37 %, гўштли овқатлар 35-40 %, бошқа маҳсулот турлари чой 33 %, кофе 40 %, Москва ароғи 25 %, вино каби озиқ-овқат маҳсулотлари 25 % га арzonлаштирилди [2].

Халқнинг кундалик турмуш тарзида нарх-навонинг пасайиши натижасида бозорларда озиқ-овқат маҳсулотларининг камайиши ёки исроф бўлишини олдини олиш мақсадида ҳудудлардаги савдо тармоқлари устидан доимий назорат қилиш тартиби белгиланди. Унга кўра нон, ун, круппа ва бошқа озиқ овқат турлари етарли миқдорда дўконларда ва омборларда захира қилиб қўйилди. Озиқ овқат маҳсулот турларини дўконларда маҳ, супутларнинг доимий бўлишини ва етказиб берилиши туну кун амалга ошириш борасида доимий назорат йўлга қўйилиб, барча озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланадиган дўкон раҳбарлари, кассирлар, масъулларга умумий йифинлар ташкилиб этилиб, савдо сотиқни тўғри ташкил этиш ва аҳолига намунали хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномалар берилди. Бу амалга оширилган ислоҳотлар урушдан тинкаси куриб чиққан республикаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ва изидан чиққан кундалик турмуш тарзини оёққа турғизиш...каби ҳолатлар кўзда тутилган бўлса, 1947 йил ССР Министрлар совети ва ВКП(б)Марказий комитетининг бутун иттифоққа аъзо республикаларда пул ислоҳоти ўтказиш ва карточка тизимини тугатиш тўғрисида қарори қабул қилинди. Пул ислоҳотини ўтказилишига бир қатор омиллар сабаб қилиб олинди, хусусан, уруш йиллари ҳарбий ҳаражатларни қоплаш мақсадида кўп миқдорда пул ишлаб чиқарилгани ва муомаладаги пулни режадан ортиқ кўпайиб кетгани бўлса, карточка тизимини натижасида нархларни бир маромда ушлаб турилиши натижасида давлат ва кооперация исъемол молларини камайиб кетганлиги, оқибатда хўжалик дехқон бозорларига талабнинг ошиши ўз ўзидан нарх-навога ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бунинг натижасида уруш йилларидағи нарх-наво сиёсатида стабилликни ушлаб туриш учун ҳаракатлар нарх-навони урушдан

олдингига нисбатан 10-15 % га ошишига олиб келди. Пул ислоҳоти ўтказиш натижасида муомаладаги ва аҳоли қўлидаги 10 сўм ўрнига 1 сўм, давлат банки ва омонат кассаларида сақланаётган 3000 сўмгача бўлган пуллар 1 сўмига 1 сўм, бунинг натижасида аввалги қийматини сақлаб қолади. Ислоҳот режасида давлат заём[1]ларига ҳам тўхталиниб, 1947 йилгача ишлаб чиқилган пул заёмлар ҳаммаси конвертация қилиниб, заём облигациялар 3 сўмига 1 сўм ҳисобланниб, бир нечта заём облигациялар битта заёмга алмаштирилади. Тушиниш мумкинки, қиймат жиҳатдан нақд пул сақлаган фуқароларга нисбатан заём облигациялар эгалари ислоҳот натижасида камроқ зарар кўрдилар. Қарорда яна шундай банди бор эди: Пул ислоҳотининг ишчи ва ҳизматчиларнинг иш ҳақига, шунингдек дехқонларнинг давлатга маҳсулот топшириб олган даромадлари ва аҳолининг барча табакалари меҳнат қилиб топган бошқа даромадларига тааллуқи йўқ ва уларга янги пул билан аввалги миқдорда тўлаб берилади[3].

Олиб борилган озиқ-овқатлар нарх-навоси борасидаги ислоҳотлар аҳолининг иқтисодий турмуш тарзигагина таъсир этибгина қолмай, меҳнат фаолиятига ҳам ўз таъсири ўтказди. Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигига ҳам олиб келди, натижада урушдан кейинги дастлабки йилларда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида янги муваффақиятларга эришилганлиги, меҳнат унуми ортганлигига маҳсулотларнинг таннархи камайганлиги асосий омил сифатида қарааш мумкин. Бундан ташқари пул ислоҳоти ўтказиш билан бир қаторда, 1947 йил 16 декабрдан бошлаб озиқ-овқат ва саноат молларини билан таминлашда карточка тизимини бекор қилинди, хусусий савдо учун белгиланган савдо нарҳлари тутатилди. Озиқ-овқат ҳамда саноат молларини чаканалаб сотиш юзазидан пасайтирилган ягона давлат нарҳлари жорий қилинди, иккинчидан озиқ-овқат ва саноат молларини чаканалаб сотиш юзасидан ягона давлат баҳоларини белгилаш вақтида қўйидагилар асос қилиниб олинди: а) нон ва уннинг нархини шу вақтдаги(1947 й) паёк[2] баҳоларига нисбатан ўрта ҳисоби билан 12 % га камайтирилди б) крупа ва макароннинг нархини шу вақтдаги паёк баҳоларига нисбатан ўрта ҳисоби билан 10 % га камайтирилди б) гўшт, балиқ, ёғ, қанд, ширинликлар, туз, картошка ва сабзавотлар нархлари айни дамдаги паёк баҳолари даражасиди сақланди с) сут, тухум, чой, мевалар айни дамдаги хусусий савдодаги ва жуда паст баҳолари бекор қилиниб, айни вақтдаги асосий озиқ-овқатларига белгиланган паёк баҳолари даражасига муюғиқ янги баҳолар белгилансин д) пивонинг нархи айни дамдаги нархларга нисбатан ўрта ҳисоб билан 10 % га камайтирилсин е) ароқ ва виноннинг айни дамдаги нарҳи сақлансан[4] деб белгилаб қўйилди.

ВКП (б)Марказий комитети кўп истеъмол қилинадиган озиқ-овқат ва саноат молларининг давлат чакана нархларининг 1950 йилнинг 1 мартадан бошлаб яна учинчи марта камайтириш мумкин деб топди. Унга кўра: доимий кундалик озиқ-овқат маҳсулот турларидан жавдари буғдойдан пиширилган қолипли нон ҳамда жавдари буғдой ва кепакли буғдой унидан пиширилган ҳар хил навли нон 25,9 %, навли буғдой унидан пиширилган нон 30%, бухонкалар, тешиккулча, сушки, сухари ва навли буғдой унидан пиширилган бошқа хил бухонкалар 30 %, хамиртуруш 20 %, унлар, кепакли буғдой уни ва кепакли жавдари буғдой уни 25 %, Биринчи нав ва аъло нав буғдой уни 30 %, купчатка буғдой уни 20%, буғдой унининг бошқа навлари 25%, шунингдек жўхори, арпа уни ва бошқа хил унлар 25 %, крупа, гуруч ва дуккакли донлар: тарик 14,8 %, қора буғдой қрупаси, бошқа хил крупалар, нўхот ва дуккакли донлар 20%, гуруч 12 %, макарон маҳсулотлари ва макарон 25 %, угра 25 %, озиқ-овқат концентратлари, нўхотли шўрва масаллифи ва ёғли тарик бўтқаси 15,2 %, болалар овқати учун ишлатиладиган ун 14,5%, картошка крахмали 14,6 %, толқон, геркулес, жўхори оқшоғи, саго, куруқ кисел, бошқа хил озиқ-овқат концентратлари 15 %, дон, жавдар буғдой, арпа, буғдой ва бошқа хил донлар 20%, сули 22,7%, кепак 22%, гўшт ва гўшт маҳсулотлари: ўртacha семиз ва семиз мол гўшти 22%, ўртачадан паст даражадаги мол гўшти 30%, ўртача семиз ва семиз қўй гўшти 28%, ўртачадан паст даражадаги қўй гўшти 35%, чўчқа гўшти 24%, парранда гўшти 24%, қуён гўшти 30 % ўртача семиз ва семиз гўштнинг бошқа навлари 24%, ўртачадан паст даражадаги гўштнинг бошқа навлари 30%, калла-поча 24%, қази 24%, сосиска ва сарделька 30%, дудланган гўшт 27%, Москва катлети 35%, гўштли

овқатнинг бошқа турлари 25%, гүшт ва гүшт-ўсимлик консервалари 25%, тухум ва тухум порошоги: тухум 15%, тухум порошоги, қанд, кондитер ва баққоллик моллари: шакар 15%, чақмоққанд 12%, қўйма монпансье ва қоғоссиз карамел 8%, какао маҳсулотлари қўшилмаган қоғозли карамель 11%, юмшоқ конфетлар, шоколад, мармелад, печенеъ ва пряник 20%, какао, пирожное ва торт 16.7%, бошқа хил кондитор моллари(вафли,кекс, рулет, шарқ шириналлари, пархез, шифо таомлар ва бошқалар)18%, мураббо, қиём, повидло ва желе 25%, витаминлар 20%, майда туз ва ош тузи 40%, йирик туз 50%, соф чой 10%, чой, кофе ва какао ичимликлари 18%, арок ликёр ва вино: арок 16.7%, ликёр 25%, наливка, настойка ва ширил кремлар 18%, аччиқ настойка 20%, конъяк 25%, ошхона винолар 35%, ўткир ва диссерт винолар 49%, совет шампан виноси 30%, цимлянск виноси 30%, мевадан тайёрланган винолар 20%, пиво, мева сувлари ва квас: пиво 30%, соф шарбатли ва сиропли ичимликлар 16%, нон кваси 22%, бошқа хил ичимликлар 20%, ичиладиган сода 21%, мевалар:олма ва нок 20%, узум 25%, мандарин ва апельсин 15%, қуруқ мевалар ва ёнғоқ 20%, мева консервалари ва шинни 30%, қанд қўшиб музлатилган шафтоли, ўрик, олхўри, қора маймунжон ва бошқалар 20%, қанд қўшилмай музлатилган бошқа хил мевалар 30%, картошка ва сабзавотлар: картошка 10%, карам14.7%, сабзи 14.7%, лавлаги 10%, кўк нўхат 32 %, бошқа хил сабзавотлар 10, ачитилган карам 16.7%, тузлаган ачитилган ва сиркаланган бошқа сабзавотлар 13%, қуритилган картошка 11.1%, қуритилган карам 20.8%, қуритилган бошқа хил сабзавотлар 13%, консерва қилинган суюқ томат 32% га арzonлаштирилди[5].

Кўриниб турибдики, юздан ошиқ қундалик озиқ-овқат маҳсулотлари турларига қийматини пасайтириш сиёсати қўлланди ва бу жараён, албатта, аҳолининг озиқ-овқат истеъмол молларига бўлган эҳтиёжи, хусусан, уни сотиб олишга ва истеъмол қилишга, қундалик асосий масала бўлган озиқ- овқат маҳсулотларидан кенг фойдаланишга катта имконият яратди. Албатта, бу жараён ўз навбатида озиқ-овқат саноати зиммасига бир мунча масъулият юклади, натижа озиқ-овқат турларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш 1945 йилга нисбатан озиқ-овқат саноати таркибидаги саноат корхоналарининг қўпайишига олиб келди, бу қўрсаткич саноат улушида 1951 йилга келиб 33,7 % етган бўлса, меҳнат унумдорлиги эса 1946 йилга нисбатан 1951 йилга келиб 40 % етди[6].

1952 йил 1 апрелда бешинчи марта СССР министрлар совети ВКП (б) Марказий комитети озиқ-овқат молларининг давлат чакана нархларини яна камайтириш тўғрисида навбатдаги қарорни қабул қилди. Унга кўра: Нон ва ун маҳсулотлари: Жавдар буғдойдан қилинган нон 12%, кепакли буғдойдан қилинган нон 12%, жавдар ундан қилинган нон 15%, сортли буғдой унидан қилинган нон, бухонкалар, тешик кулчалар ва бошқа хил нон маҳсулотлари 15%, кепакли буғдой уни 12%, жавдари буғдой уни 12%, эланган жавдари буғдой уни 15, сортли буғдой уни ва бошқалар 15%, макаронлар ва угра 15%, дрожи 20%, гуруч, крупна, дуккакли донлар ва озиқ-овқат концентрантлари: манная крупна, сули ёрмаси ва арпа 20%, гуруч ва дуккакли донлар 15%, озиқ-овқат концентрантлари 10%, крахмал 15%, гўшт ва гўшт маҳсулотлари: мол гўшти, қўй гўшти, чўчка гўшти, колбаса, сосиска, сарделка, товуқ ва бошқа гўшт маҳсулотлари, ўрдак, ғоз ва куркалар 20%, гўшт консервалари ва гўшт-ўсимлик консервалари 20%, совет пишлоғи, швейцар, голланд ва бошқа пишлоқлар 20%, маҳаллий пишлоқлар 10%, ўсимлик мойи 20%, ерёнғоқ ва данак мойлари 30%, маргарин 15%, майонез соуслари 30%, музқаймоқ 15%, тухум 15%, қанд, шакар, кондитор ва баққоллик моллари: қанд-шакар ва рафинад 10%, ўралган конфетлар, карамель, шоколад ва бошқа шириналлар 10%, ўралмаган карамель 15%, печенеъ, вафли, кекс, торплар, пирожное, пряник, сухари ва ундан тайёрланган бошқа хил кондитор маҳсулотлар 12%, мураббо, қиём ва желе 10%, витаминлар 10%, натурал чой 20%, натурал кофе ва какао 15%, кофели ичимликлар 10%, туз 30%, сирка эссецияси 15%, хўл мевалар:олма, нок ва узум 20%, музлатилган мевалар ва резаворлар 20, қуруқ ва ёнғоқлар 20%, сабзавот ва мева консервалари: сабзавотдан қилинган табиий консервалар, бодринг, гармдори, кўк нўхат, томат ва музлатилган сабзавотлар 20%, мева консервалари: компотлар, пюре ва пасталар, мева ва томат соуслари 10%, табиий шарбатлар: узум, олма, олхўри шарбатлари 20%, ресторонлар ва ошхоналарда , бошқа умумий овқатланиш корхоналарида[7] нарх-наво шунга

муофиқ равишда камайтирилиши қарорга банд сифатида киритилди. Навбатдаги жорий қилинган бу сиёсат ўз навбатида ахолининг ижтимоий қатламларига, бокувчинини йўқотган ва кам таъминланган оиласларнинг кундалик турмуш тарзига, албатта, ижобий таъсир кўрсатди, тўйиб овқат ейиши юзага келди. Бу ҳолат инсонларнинг соғлом турмуш тарзи яхшиланишига ва жонланишига олиб келди.

1953 йил 1 апрелда “Озиқ-овқат ва саноат молларининг давлат чакана нархларини янада камайтириш “тўғрисида ССР Министрлар иттифоқи Коммунистлар партияси Марказий комитети қарор қабул қилди. Унга кўра: Нон ва ун, макаронлар, жавдар буғдойдан қилинган нон, буғдой унидан тайёрланган нон, бухонкалар, тешик кулчалар ва бошқа хил нон – бухонкалар 10%, тариқ, қора буғдой крупаси, нўхат, гуруч ва бошқа хил дуккакли дон маҳсулотлар 10%, озиқ-овқат концентратлари 10%, қурқ кисель ва желе 15%, унлар 10%, макаронлар, вермишель, угра ва бошқа ҳил макарон маҳсулотлари 10%, крупа, гуруч, ловия ва озиқ-овқат концентрантлари, донлар, жавдари буғдой, буғдой, сули, арпа 10%, гўшт ва гўшт маҳсулотлари: мол гўшти, қўй гўшти, чўчқа гўшти, паррандалар гўшти, колбаса, сосиска, серделька, котлет, гўшт концервантлари ва бошқа гўшт маҳсулотлари 15%, балиқ ва балиқ маҳсулотлари: совутилган, музлатилган, тузланган ва дудланган балиқ, балиқ концервалари ўрта ҳисобда 10%, тухум, мой ва музқаймоқ, мол ёғи, овқат мойи, маргарин ва ўсимлик мойи, маянез соуси 10%, тухум 10%, музқаймоқ 10%, картошка, сабзавот ва мевалар: картошка 50%, лавлаги 50%, сабзи 50%, карам 50%, тузланган карам 50%, олма 50%, нок 50%, узум 50%, мандарин 50%, апельсин 50%, лимон 50%, мева концервалари 25%, қуритилган мевалар 25%, қуритилган сабзавотлар 25%, қанд, кондитор ва баққоллик моллари: қанд ва қумшакар, чақмоққанд 10%, карамель, шоколад, конфет, печенье, вафли, кекс, торт, пирожное ва бошқа кондитор маҳсулотлари 10%, мураббо, повидло, жем 10%, табий чой 20%, кофе ва какао 20%, витаминалар 10%, йирик туз 30%, қоғозга ўралган туз 20%, қоғозга ўралмаган туз 10%, ароқ, ликёр, вино 14%, мевадан тайёрланган вино маҳсулотлари, конъяк ва совет шампан виноси 15%, пиво 15%, Узум виноси 5% га арzonлаштирилди[8].

Кўриниб турибдики 40 йилларнинг иккинчи ярми 50 йилларнинг бошларида Озиқ-овқат турларининг нарх-навоси бўйича олиб борилган ислоҳотлар бутун Иттифоқ республикаларига тегишли бўлсада, лекин юқорида қайд қилиб ўтилган исътемол маҳсулотларини аксариятлари тўлалигича фақатгина Иттифоққа аъзо республикаларинг энг марказий шахарларидаги савдо-сотиқ дўконларидагина мавжуд бўлиб, қолган вилоятлар ва туманларда, қишлоқларда, посёлкаларда деярли нон ва нон маҳсулотлари, ёғ-мой, гўшт ва сут, макарон ва бошқа кундалик эҳтиёжлари учун энг зарур бўлган озиқ-овқат турларигина мавжуд бўлган. Юқорида келтирилган исътемол саватчасидаги 130 га яқин озиқ-овқат турлари билан тўлиқ таъминлашнинг деярли имконияти мавжуд бўлмаган ва фақатгина марказий шахарларигина таъминланган, иккинчидан, марказ томонидан ҳудудлар бўйича озиқ-овқат таъминотида ҳам тафовутлар мавжуд бўлиб, хусусан, озиқ-овқат таъминотида нарх-наво бир хил бўлсада, аммо таъминотда ахолининг демографик ҳолати масалалари ҳисобга олинмаган, натижада Ўрта осиё республикаларидан Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалирига нисбатан Ўзбекистонга келтирилган озиқ-овқат турларида тўғри тақсимот йўлга қўйилмагани натижасида, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари турларини қўшни республикалардан норасмий равишда турли йўллар билан олиб келиб сотиш, исътемол қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлган. Бундай жараёнларни Андижон вилоятининг қўшни Қирғизистон билан чегара ҳудуд Ўш ва Жалолабод, Наманган вилоятининг Косонсой, Учқўрғон туман чегера ҳудудлари транзит ҳудудлар вазифасини бажарган ва икки мамлакат фуқаролари озиқ-овқат маҳсулотларини олди-сотди ва айрибошлашдан ҳартомонлама манбаатдор бўлса, иккинчидан Ўзбекистон ҳудудида танқис бўлган маҳсулот турлари қўшни Қирғизистон ҳудудида етарли ва арzonлиги Ўзбекистон ҳудудида унга бўлган талабнинг ошишига олиб келган. Шу ўринда ёзувчи Ўлмас Умарбековни “Совға”ҳикоясида тасвирлаганидек бош қаҳрамон Шаҳодат ҳоланинг ситрус мевалардан мандаринни ўз тасаввуррида кийм мато деб ҳисоблаши ва уни биринчи мартда Москвадан ўғли юборганда

ҳайратдан ёқа ушлаганидан...[9] билиш мумкинки Ўзбекистонда 40 йилларнинг иккинчи ярми 50 йилларнинг бошларида деярли озиқ-овқат турларидан бўлган ситрус мевалардан лимондан ташқари бошқа турлари кундалик исътемолда деярли бўлмаган.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyevning-9-may-khotira-va--09-05-2017>
2. Қизил Ўзбекистон.1946 йил 25 феврал 11 сон . – В. 1
3. Сталин ҳақиқати.1947 йил 25 декабр 246 сон . – В. 1
4. Сталин ҳақиқати.1947 йил 25 декабр 246 сон . – В. 1
5. Қизил Ўзбекистон.1946 йил 25 феврал 11 сон . – В. 1
6. Қизил Ўзбекистон.1951 йил 17 январ 14 сон . – В. 3
7. Қизил Ўзбекистон.1952 йил 1 апрел 31 сон . – В. 3
8. Қизил Ўзбекистон.1953 йил 1 апрел 33 сон . – В. 3
9. Ўлмас Умарбеков. “Совға”ҳикояси.Тошкент.1964 йил

### Изоҳлар

1. Заём-қарз асосида давлат бюджетига маблағ тўлаш
2. Паёк-маълум вақтга белгиланган меъёр билан бериладиган озоқ-овқат

**ЎТМИШГА НАЗАР**  
**3-МАХСУС СОН**

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**  
**СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-3**

**LOOK TO THE PAST**  
**SPECIAL ISSUE-3**